

УЮШМАГАН ЁШЛАР ҲУЛҚ-АТВОРИНИНГ САЛБИЙ ПСИХОЛОГИК ОҚИБАТЛАРИ

Байқунусова Гулмира Юлдибаевна
TДПУ профессор в/б, психология фанлари доктори DSc

«Ёшлар» тушунчасининг моҳияти ҳакида сўз борар экан, шуни айтиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги (қонуенинг З-моддасида «Ёшлар (ёш фуқаролар) – ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслардир», дея хуқуқий таъриф берилган. Демак, ёшлар аҳолининг ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган қатлами бўлиб, мамлакатимизда вояга етмаганлар ва ёшларниң ҳиссаси аҳолининг 58,8 фоизини ташкил этади.

Гарчи барча замонларда ёшлар билан боғлиқ масалалар долзарб бўлса ҳам бугунгидек эътибор юқори бўлган эмас. Президентимиз таъбири билан айтганда "Биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда".

Шу боис аҳолисининг 30 фоизини 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этадиган мамлакатимизда уларниң салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этади. Кейинги йилларда ёшлар масалаларига доир жами 40 норматив-хуқуқий ҳужжат қабул қилинганинг ўзиёқ фикримиз далилидир.

Тараққиётимизнинг янги босқичида қабул қилинган ва давлатимиз раҳбари томонидан имзолангандан илк қонунлардан бири айнан «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонун экани ҳам ёшлар билан боғлиқ масалалар нақадар муҳим аҳамият касб этаётганинг исботидир.

«Уюшмаган ёшлар» тушунчаси ҳакида сўз борар экан, ушбу ибора «уюшмаган» ва «ёшлар» сўзлари бирикмасидан ташкил топган. «Уюшмаган» сўзининг ўзаги «уюшиқ» бўлиб, унга ўзбек тилининг изоҳли луғатида «уюшган, жипслашган, аҳил», унга маънодош бўлган «уюшма» сўзига эса «бир мақсад йўлида биргаликда ҳаракат қилиш учун бирлашган кишилар ёки ташкилотлар бирлашмаси» мазмунида изоҳ берилган. Демак, мантиқан олиб қараганда, «уюшмаган» сўзи «уюшиқ» ёки «уюшма» сўзларининг акси, яъни антоними бўлиб, «жипслашмаган, аҳил бўлмаган, муайян бир мақсад йўлида биргаликда ҳаракат қилиш учун бирлашмаган» маъноларини англатади.

Ўзбекистон Республикасининг ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш»га бағишлиланган устувор йўналишида ёшлар муаммоларига алоҳида эътибор қаратилаётгани, уюшмаган ёшлар сони йилдан йилга тобора ортиб бораётгани амалдаги мавжуд қонунчилик ва уни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш орқали ёшлар масалаларига оид

қонунчилик нормаларини такомиллаштиришни, хусусан Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонунида «уюшмаган ёшлар» тушунчасига таъриф бериш ҳамда уюшмаган ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатларини шакллантириш лозимлигини тақозо этмоқда. «Уюшмаган ёшлар» – ўз мақсадини индивидуал тарзда, давлат ва жамиятда яратилган имкониятлардан фойдаланмасдан, примитив, нофаол тарзда самарасиз амалга ошираётган, ҳеч қаерда ўқимайдиган, ишламайдиган ёшлар гуруҳини англатади. Бу тоифадаги ёшлар ўз мақсадини давлат ва жамият манфаати билан уйғунлаштириш кўникмасига эга бўлмайди. Уларда ижтимоий фаоллик, ҳуқуқий, сиёсий онг ва маданият даражаси паст бўлади. Уюшмаган ёшларга хос хусусиятлар сифатида қуидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: ўз мақсадини давлат ва жамият манфаати билан уйғунлаштириш кўникмасига эга эмаслик; ижтимоий фаоллиги, сиёсий, ҳуқуқий онг ва маданият даражаси пастлиги; ишламаслик ёки ўқимаслик (ҳарбий хизмат ва жиноий жазони ўтаётган шахслар бундан мустасно); тайин бир машғулотга эга бўлмаслик; салбий таъсирларга, шу жумладан «оммавий маданият» ва ёт foялар таъсирига берилувчанлик; ижтимоий ҳаётда муайян аниқ мақсадга эга бўлмаслик; ўн тўрт ёшга тўлганлик ва ўттиз ёшдан ошмаганлик. Шу ўринда уюшмаган ёшларга хос бўлган биргина хусусият, яъни ишсизликнинг салбий оқибатлари ҳақида тўхталганда айтиш керакки, у жиноятчилик билан бевосита боғлиқ бўлиб, уни озиқлантиради ва ўсишига хизмат қиласди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳозирда республикамизда жиноят содир этганларнинг ҳар тўрттадан биттасини ишсиз шахслар ташкил этади. Криминологларнинг фикрича, ишсизликнинг 10 %га кўпайиши жиноятчиликнинг 3,4–6,5 % ўсишига олиб келади. Юқорида келтирилган хусусиятлар асосида уюшмаган ёшларни тоифалаш ҳам мумкин. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амалиёти ва унинг натижаларига доир статистик маълумотлар ўрганилганида, уларда фақат ўқимайдиган ва ишламайдиган ёшларга доир динамик кўрсаткичлар акс эттириб борилиши кўзга ташланади.

Уюшмаган ёшлар ўзининг жиноят содир этишга мойиллиги билан ёшларнинг бошқа қатламидан ажралиб туради. Умуман олганда, ҳар қандай жиноий ҳаракат, аввало, одамнинг интеллектуал, эмоционал ва ахлоқий фазилатлари ва хислатларини акс эттиришини инобатга олганда, илмий тадқиқотларда қуидаги шахслар, хусусан, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлиши асосланган ёшлар: ўқишини тугатганлар, армия сафидан бўшатилганлар, корхоналарнинг тугатилиши туфайли ишсиз бўлиб қолган мутахассислар, бироқ жиноий жазодан озод этилгандан кейин иш билан таъминланмаганлар;

тұғма психологияк хусусиятларга, яъни ғайриқонуний ҳаракатларни амалга оширишга ундейдиган психологик жиҳатларга эга бўлганлар, ғайриқонуний ишларни касб қилиб олганлар, мураккаб психологик мұхит ҳукмрон бўлган тўлиқ бўлмаган оиласда яшаётганлар;

бошқа вилоят ёки туманлардан келгандар, илгари маъмурий жавобгарликка тортилганлар, ҳеч қаерда ишламайдиганлар, моддий жиҳатдан етишмовчилик қийнаётганлар, олий маълумотга эга бўлмаганлар, никоҳи қайд этилмаган, ажрашган ёки оиласи бўлмаганлар, мунтазам спиртли ичимликлар истеъмол қиладиганлар, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмайдиган ёки меҳнат билан банд бўлмаганлар;

енгил йўл билан бойлик орттиришга интилевчилар;

ичкилиқбозлик ва гиёхвандликка мойил шахслар;

уяксиз, бузук, ахлоқсиз ишлар билан шуғулланишга мойиллиги бўлганлар, хусусан жамоат жойларида уяксиз, бузук, ахлоқсиз ишлар (бешарм кийимларда юриш, шилқимлик қилиш, ўпишиб ўтириш ва бошқ.) билан шуғулланаётганлар.

Юқорида келтирилган уюшмаган ёшларнинг ҳулқ атворида кузатиладиган салбий оқибатларни олдини олиш ва бартараф этишда психологик хизмат кўrsatiш муҳим аҳамиятга эга. Бундай ҳулқ атвор профилактикаси ва психокоррекцияси тизимли ва маҳсус ёндошувни талаб қилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, уюшмаган ёшлар мамлакатимиз ёшларининг муайян салмоғини ташкил этувчи, ўзининг ҳукуқбузарликларни содир этишга мойиллиги, турли ёт ва заарали ғояларга беришувчанлиги билан ижтимоий ҳимоя ва жамоатчилик назоратига муҳтож тоифаси бўлиб, улар билан доимий ва тизимли равишда профилактик чоратадбирларни амалга ошириш, уларни ижтимоий-ҳукуқий ҳимоялаш, бу борада кенг жамоатчиликнинг ҳамкорлигига таяниш, қолаверса, соҳага доир қонунчиликни замон талабларига мувофиқ тарзда такомиллаштириш асосида бу тоифа ёшларнинг сонини камайтириш, улар томонидан жиноят ва ҳукуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишга эришиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги 2016 йил 14 сентябрдаги қонуни // <http://Lex.uz>.
2. Кафарова Д.М. Криминологический анализ и профилактика общественно опасных деяний подростков, не достигших возраста уголовной ответственности: автореф....дис. канд. юрид. наук. – М., 2009. – С. 15.
3. Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш муҳитини мустаҳкамлаш – ҳукуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигининг асосий омилидир // Постда. – 2017. – 18 нояб.
4. Исмаилов И. Жиноятчиликда уюшганлик: назария ва амалиёт муаммолари: Монография. – Т., 2005. – Б. 80.